

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

447 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014

(2009 йил 18 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 19/7-сон билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида низом» (рўйхат рақами 630, 1999 йил 11 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 2 апрелда 6/5-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низом»-га 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 630-1, 1999 йил 10 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 29 октябрда 20/10-сонли баённома билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга 2-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 630-2, 1999 йил 22 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 24 февралдаги 5/7-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш

тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-3, 2001 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 27 декабрдаги 30/18-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-4, 2002 йил 15 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 20 апрелдаги 9/18-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-5, 2002 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 29 мартдаги 6/5-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-6, 2003 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 7-8-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/3-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-7, 2004 йил 16 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 417-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 19 мартдаги 5/2-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 630-8, 2005 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 133-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/3-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 630-9, 2005 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 220-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/3-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 630-10, 2007 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50-51-сон, 526-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 15 август,
23/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил
15 августдаги 23/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 61-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан кейинги ўринларда лицензия деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

банк — тижорат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) томонидан берилган лицензия асосида банк фаолияти деб ҳисобланадиган юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш каби фаолиятлар мажмуини амалга оширадиган юридик шахс;

банк акциядори — банк акцияларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензиялаш департаменти — лицензия олиш учун тақдим этилган

ҳужжатларни кўриб чиқиш вазифалари юклатилган Марказий банкнинг таркибий тузилмаси;

норезидент банк — хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган банк;

хусусий тижорат банки — устав капиталида жисмоний шахсларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган ва устав капиталининг қолган қисми давлатнинг улуши бўлмаган юридик шахсларга тегишли бўлган банк;

чет эл банкининг шўъба банки — устав капитали тўлалигича норезидент банк томонидан шакллантириладиган банк;

чет эл капитали иштирокидаги банк — чет эллик инвесторларнинг иштироки устав капитали умумий суммасининг камида ўттиз фоизини ташкил этадиган банк. Бунда, чет эллик инвесторлардан бири юридик шахс бўлиши лозим. Бундай банкнинг устав капиталини шакллантиришда резидент жисмоний ва юридик шахслар ҳамда норезидент жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидент банклар иштирок этишлари мумкин.

2. Банклар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова, 1996 й., 11-12-сон), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 61-модда) қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, қоида тарикасида, акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

3. Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда қуйидагилар асосий омил бўлиб ҳисобланади:

банкни ташкил этиш бўйича бизнес режанинг мақбуллиги;

банк устав капиталининг етарлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилганлиги;

даромадлиликнинг истиқболлари;

ташкил этилаётган банк раҳбарининг малакаси ва обрўси;

банкни ташкил этиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

монополияга қарши чораларнинг мавжудлиги.

II. Банк муассислари ва акциядорлари

4. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирок этишига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва чет эл банкининг шўъба банкларини ташкил этиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банкнинг шаклланти-

тирилган устав капиталининг беш фоизидан ортиғига эгалик қилинса, бу ҳақда беш иш кунидан кечикмасдан Марказий банкка хабар берилиши лозим. Устав капиталининг йигирма фоиз ва ундан ортиқ бўлган улушига эгалик қилиш учун Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши талаб этилади.

Марказий банкнинг розилиги олинган улуш миқдорини ошириш учун Марказий банкдан такроран олдиндан розилик олиниши лозим.

5. Бир акциядор ёки ўзаро боғлиқ акциядорлар гуруҳининг банк устав капиталидаги улуши (давлат улушидан ташқари) устав капитали умумий миқдорининг йигирма беш фоизидан ошиши мумкин эмас (чет эл капитали иштирокидаги банклар ва хусусий тижорат банклари бундан мустасно).

6. Агар шахс юридик шахснинг бошқарувига ёки унинг сиёсатига катта таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлса, ушбу шахс бундай юридик шахсни назорат қилувчи ҳисобланади.

Шахс қуйидаги ҳолларда катта таъсир ўтказувчи ҳисобланади:

мазкур юридик шахснинг йирик иштирокчиси бўлса;

юридик шахснинг акциядорлари, бошқарув органлари ёки иштирокчилари билан расмий равишда келишув тузиб ёхуд бошқа ҳар қандай тарзда унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва/ёки уни бошқариш имкониятига эга бўлса.

7. Юридик шахснинг йирик акциядори ёки иштирокчиси деганда, мазкур юридик шахснинг устав капитали ёки унинг овоз берувчи акцияларининг ўн ва ундан ортиқ фоизига тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилувчи бир ёки ўзаро келишув билан боғланган бир неча шахслар тушунилади.

Тўғридан-тўғри эгалик қилиш деганда, акциядор (иштирокчи) томонидан юридик шахснинг устав капиталидаги улушига ёки унинг овоз берувчи акцияларига бевосита эгалик қилиш тушунилади.

Билвосита эгалик қилиш деганда, юридик шахснинг устав капиталидаги улушига ёки унинг овоз берувчи акцияларига шўъба корхоналар ва жамиятлар орқали эгалик қилиш тушунилади.

8. Агар икки ва ундан ортиқ шахслар расмий келишув асосида ҳаракат қилса ёки банк акцияларига жамоа бўлиб тўғридан-тўғри ёхуд билвосита эгалик қилиш мақсадида онгли равишда биргаликдаги фаолиятни олиб бориш ҳоллари мавжуд бўлса, улар банк акцияларига эгалик қилиш мақсадида ўзаро келишув билан боғланган шахслар бўлиб ҳисобланади.

9. Агар шахс ва бошқа юридик шахс банк акцияларига тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилсалар ҳамда мазкур шахс ушбу юридик шахснинг йирик иштирокчиси ёки унинг бошқарув, қузатув кенгаши аъзоси ёхуд вакили бўлса, мазкур шахс юридик шахс билан келишув асосида фаолият юритувчи бўлиб ҳисобланади.

10. Қуйидаги икки ёки ундан ортиқ шахслар бир-бири билан келишув асосида фаолият юритувчилар бўлиб ҳисобланади, агар улар:

ушбу барча шахсларнинг йирик иштирокчиси, аъзоси (шериги) ёки юридик вакили ҳисобланган ҳеч бўлмаганда битта шахс билан боғлиқ бўлсалар;

битта банкнинг акцияларига эгалик қилсалар ҳамда айни вақтда улар битта юридик шахснинг (мазкур банкдан ташқари) бошқарув, кузатув кенгаши аъзолари, йирик иштирокчилари (шериги) ёки юридик вакиллари бўлса ёхуд ушбу шахслар яқин қариндош бўлишса.

Шахснинг яқин қариндошлари бўлиб эри, хотини, ота-онаси, болалари, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, боболари, бувилари, неваралари ҳисобланади.

11. Банк акцияларининг йигирма фоизига жамоавий эгалик қилувчи мазкур Низомнинг 8 ва 10-бандларида келтирилган шахслар улар бир-бирлари билан келишув асосида фаолият юритмаётганлигини исботловчи ва шу сабабли банк акцияларига эгалик қилиш учун Марказий банк рухсати талаб қилинмаслиги тўғрисидаги ҳужжатларни Марказий банкка тақдим этишлари мумкин.

Мазкур исботловчи ҳужжатлар бу шахслар томонидан бундай миқдордаги акциялар жамоавий тарзда сотиб олингунга қадар тақдим этилиши лозим. Акцияларни бундай шахслар томонидан бир-бирига боғлиқ бўлмай ва бир-биридан хабари бўлмаган ҳолда сотиб олиниш ҳоллари бундан мустасно.

12. Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

13. Банк муассислари молиявий жиҳатдан барқарор ва обрўга эга бўлишлари лозим.

14. Юридик шахснинг молиявий барқарор бўлмаганлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

баланснинг ноликвидлиги;

тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик;

бу юридик шахс расмий равишда банкрот деб эълон қилинишидан қатъи назар, унинг пассивларининг активларидан ошиб кетиши;

юридик шахснинг мажбуриятлари банк барқарорлигига нисбатан муайян таваккалчиликларни юзага келтирса;

юридик шахс тақдим этган молиявий ҳужжатлар бу шахс зарур ҳолларда банк устав капиталидаги улушини ошира олмаслигини кўрсатса;

юридик шахс томонидан банк акцияларининг сотиб олиниши натижа-сида банкка ёки унинг омонатчиларига молиявий хавф солиниши мумкинлигини кўрсатувчи бошқа ҳоллар маълум бўлса.

15. Қуйидаги шахслар банк муассислари бўла олмайдилар:

мазкур Низомнинг 13-банди талабларига номувофиқ деб ҳисобланган шахслар;

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса.

III. Банкнинг таъсис этилиши

16. Муассислар акциядорлик жамияти шаклидаги банкни ташкил этиш учун аввал таъсис шартномасини имзолайдилар, сўнгра таъсис йиғилишини ўтказадилар.

17. Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 61-модда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) қонунлари ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

18. Банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида қуйидагилар бўлиши лозим:

банкни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби;
банк устав капитали миқдори;

муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати, уларни тўлаш миқдори ва тартиби;

муассисларнинг банкни ташкил этишга доир ҳуқуқ ва бурчлари.

Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

IV. Банк устави

19. Банк уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда унинг жойлашган ери (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати, мақсади ва фаолият муддати;

устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати, устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши;

устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати;

соф фойда ва дивидендларни тақсимлаш ҳамда зарарларни қоплаш тартиби;

захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;

банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, аъзоларининг сони, ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари;

банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;
банк томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари.
Банк уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

V. Банкнинг устав капитали

20. Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорларининг пул маблағлари ҳисобидан ташкил топади.

21. Кредитга ва гаровга олинган ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банк устав капиталини шакллантиришда ҳамда банк акцияларини сотиб олишда фойдаланиш тақиқланади. Мазкур талабга зид ҳолда устав капиталига киритилган маблағлар эгаларига қайтарилиши ва шу вақтнинг ўзидаёқ акциялар келгусида сотиш учун банкка топширилиши лозим.

22. Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

23. Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини белгилашда қуйидагилар асосий омил ҳисобланади:

Марказий банк томонидан белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори бўйича талабларга мувофиқлиги;

банк капитали, шу жумладан устав капитали миқдорини доимий кўпайтириб боришнинг режалаштирилганлиги;

кўзда тутилаётган даромадлар ҳамда фондларни шакллантириш истиқболлари;

муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти.

24. Банк рўйхатга олингунга қадар устав капиталини шакллантириш учун муассислар томонидан Марказий банкда ёки резидент банкларнинг бирида вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи очилади.

Банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдори мазкур вақтинчалик жамғарма ҳисобварақда муассислар томонидан банкни рўйхатга олингунга қадар тўлиқ шакллантирилган бўлиши керак.

25. Устав капиталининг энг кам миқдори қуйидаги миқдорларда белгиланади:

банклар учун — 5 млн. евро эквивалентида;

хусусий тижорат банклари учун — 2,5 млн. евро эквивалентида.

Янги ташкил этилаётган банклар учун устав капитали энг кам миқдорининг ҳисоб-китоби Марказий банк томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш учун эълон қилинган евро курсининг муассислар томонидан банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган (таъсис йиғилиши ўтказилган) кундаги курсидан келиб чиққан ҳолда миллий валютада амалга оширилади.

26. Банк рўйхатга олингандан кейин унинг устав капитали миқдорида эгаси ёзилган акциялар чиқарилади ва улар муассислар ўртасида жойлаштирилади.

VI. Банк номига қўйиладиган талаблар

27. Банк номида «Банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмалари ишлатилиши ҳамда банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши лозим. Банк номи фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши зарур.

VII. Марказий банк томонидан банкнинг раҳбар ходимларига қўйиладиган талаблар

28. Банкнинг раҳбар ходимларига банк кенгашининг раиси ва аъзолари, бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, бошқарув аъзолари, бош банкнинг бош бухгалтерлари, амалиёт бошқармаси ва банк филиалларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерлари киради. Улар (банк кенгаши раиси ва аъзоларидан ташқари) «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1641, 2006 йил 14 ноябрь, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 46-47-сон, 467-модда) талаблари асосида касбга мувофиқлиги аниқланади.

29. Банк кенгашининг раиси ва аъзолари Марказий банк томонидан суҳбатга таклиф этилишлари мумкин.

VIII. Банк бошқарув органлари ва унинг ташкилий тузилмасига қўйиладиган талаблар

30. Банкнинг бошқарув органлари қуйидагилар ҳисобланади:
акциядорлар умумий йиғилиши;
банк кенгаши (кузатув кенгаши);
банк бошқаруви.

31. Акциядорлар умумий йиғилиши банкнинг олий бошқарув органидир. Акциядорлар умумий йиғилишининг вазифалари ва ваколатлари қонун ҳужжатлари ва банк устави асосида белгиланади.

32. Қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар банк кенгаши ёки унинг бошқарувига топширилмайди.

33. Банк кенгашининг миқдорий таркиби банк устави ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

Бунда, акциядорлари сони 500 тагача бўлган очик турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг Кенгаши таркиби камида беш аъзодан, акциядорлари сони 501 тадан 1000 тагача бўлган банкларда камида етти аъзодан ва акциядорлари сони 1000 тадан ортиқ бўлган банкларда камида тўққиз аъзодан иборат бўлиши лозим.

34. Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги банкларнинг банк кенгаши аъзоларининг умумий сони акциядорлар сонидан қатъи назар, бештадан кам бўлмаслиги керак.

Овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар сони ўттиз кишидан кам бўлган ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган банкда кузатув кенгаши вазифаси банк устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин.

35. Банк бошқаруви банкнинг ижро органи бўлиб, банкка оператив раҳбарликни амалга оширади ҳамда банк фаолияти учун жавобгар ҳисобланади. Бошқарувга раис раҳбарлик қилади.

36. Бошқарув қонун ҳужжатларига мувофиқ банк кенгаши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

37. Банкнинг ташкилий тузилмаси бизнес-режада кўрсатилган фаолият турларини ўзида акс эттириши керак. Ташкил этишнинг назарда тутилаётган қўлами амалга оширилиши режалаштирилган операциялар ҳажмига мос бўлиши керак.

38. Ишга жалб этилаётган ходимларнинг малакаси банк томонидан бажарилиши кўзда тутилаётган фаолиятининг белгиланган турларига мос бўлиши ҳамда улар сони банк фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун етарли бўлиши керак.

39. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банкда ички назорат ҳолатини, жумладан, молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлигини, ҳисоботларнинг тўлиқ ва объективлигини, банк қонунчилиги ҳужжатлари ва бошқа ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек, банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма — ички аудит хизматини ташкил этиши шарт.

**IX. Банк ва улар филиаллари биноларининг
муҳофазасини таъминлаш ҳамда муҳандис-техник
қўриқлаш воситалари билан жиҳозланишига, ахборот
алмашинуви ва муҳофазасига оид дастурий маҳсулотларга
қўйилган талаблар**

40. Банк биноти хавфсизлиги ва банкнинг ахборот муҳофазасига оид дастурий техник воситалар билан жиҳозланиши «Ўзбекистон Республикасининг автоматлаштирилган банк тизимларидаги антивирус ҳимояси тўғрисида» (рўйхат рақами 910, 2000 йил 10 март), «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида» (рўйхат рақами 1552, 2006 йил 13 март, «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1553, 2006 йил

13 март) низомлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1047, 2001 йил 9 июль) ва «Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида» (рўйхат рақами 1685, 2007 йил 2 июнь) йўриқномаларда кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

41. Дастурий маҳсулотларга талаблар ва улардан фойдаланиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1739, 2007 йил 20 ноябрь) низом билан тартибга солинади.

42. Банк ва уларнинг филиалларини ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлимлари томонидан кўриқлашни ташкил этиш ҳамда уларни муҳандис-техник кўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш сигнализация воситалари билан жиҳозлаш қонун ҳужжатларида қайд этилган талабларга асосан амалга оширилади.

43. Банк ахборот тизимларининг ўзаро ишлашини таъминлаш учун локал ҳисоблаш тармоғи мавжуд бўлиши лозим.

44. Банкнинг ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида унинг банклараро телекоммуникация тармоғига уланиши учун қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

банк (филиал) биноси ва банклараро телекоммуникация тармоғининг жиҳозлари ўрнатилган автоматик телефон станцияси билан алоҳида сифатли алоқа линияси;

абонент ускуналари;

кафолатланган электр таъминоти (220 В);

электр сигналлари бўйича ишончли ер ўтказгичи.

45. Банк (филиал) биноларининг муҳофазаси таъминланганлиги ва муҳандис-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлиги, дастурий маҳсулотларнинг тайёрлиги бўйича текшириш ташкил этилаётган банк (филиал) жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади ва текшириш натижаси бўйича икки томонлама (мутахассислар ва банк вакили) далолатномалар тузилади.

Далолатнома бир нусхадан Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош маркази, Эмиссия-касса операциялари департаментига, Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ҳамда Хавфсизлик ва ахборотларни ҳимоялаш департаментига тақдим этилади.

Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг мазкур далолатномаларга асосан банк (филиал) биноларининг муҳофазаси таъминланганлиги ва муҳандис-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлиги, дастурий маҳсулотларнинг тайёрлиги юзасидан ижобий хулосаси Лицензиялаш департаментига юборилади.

Х. Банкларни лицензиялаш тартиби

46. Банкларни лицензиялаш жараёни икки босқичдан:

банк таъсис этиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатини бериш;

банкни рўйхатга олиш билан бир вақтда лицензия беришдан иборат.

47. Муассислар ўз ораларидан Марказий банкда, унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ва бошқа органларда банкни ташкил этиш юзасидан уларнинг манфаатларини ифода этишга вакил қилинган шахсни белгилайдилар. Унинг ваколатлари таъсис шартномаси билан тасдиқланади.

48. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари банк муассисларини банк ташкил этиш билан боғлиқ бўлган зарур қонун ҳужжатлари билан таъминлайдилар.

XI. Банк ташкил этишга дастлабки рухсатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

49. Муассислар томонидан таъсис шартномаси имзоланганидан сўнг бир ой мобайнида Марказий банкка банкни очиш учун дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги аризани тақдим этадилар. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1) муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан (агар муассис яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлса) тасдиқланган таъсис шартномаси (уч нусхада, уларнинг биттаси асл нусха). Жисмоний шахсларнинг имзолари ва таъсис шартномаларининг нусхалари нотариал идора томонидан тасдиқланади (ягона муассислар бундан мустасно);

2) муассислар томонидан тасдиқланган ва банк кенгаши раиси томонидан имзоланган банк устави (учта асл нусхада);

3) таъсис йиғилишининг уч нусхада тайёрланган баённомаси. Бу ҳужжатда банкни ташкил этиш, устав капитали миқдори, банк устави ва бизнес-режани тасдиқлаш, банк кенгаши, бошқаруви ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги қарорлар бўлиши лозим. Баённома нусхалари банк кенгаши раиси томонидан тасдиқланади;

4) муассислар тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ банк кенгаши раиси томонидан тасдиқланган банкнинг барча муассислари тўғрисидаги маълумотлар;

б) муассис-жисмоний шахслар бўйича:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган жисмоний шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар;

ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган жисмоний шахслар учун қўшимча равишда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ маълумотлар;

ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг ўн ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган жисмоний шахслар учун қўшимча равишда мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ охириги икки йил учун солиқ декларациялари;

циялари (хусусий тижорат банклари устав капиталида иштирок этаётган резидент жисмоний шахслар бундан мустасно);

в) муассис-юридик шахслар бўйича:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва тўлов реквизитлари;

ташкил этилаётган банкнинг устав капиталига киритилган бадаллар суммаси (жумладан, устав капитали умумий суммасига нисбатан фоиз ҳисобида);

юридик шахснинг сўнги уч йил учун, шу жумладан, солиқ органлари ва аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган сўнги икки ҳисобот санаси учун баланс ҳисоботлари;

ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган муассислар учун қўшимча равишда мазкур юридик шахснинг устав капиталида иштирок этаётган ҳар бир иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва тўлов реквизитлари, шунингдек, уларнинг улуши (фоиз кўринишида);

агар юридик шахс устав капиталида йирик иштирокчи-жисмоний шахс бўлса, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ у тўғрисидаги маълумотлар;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ банкни ташкил этаётган муассис-юридик шахс кенгаши ва бошқаруви аъзолари тўғрисидаги маълумотлар;

г) ўзаро боғланган шахслар ҳақида маълумотлар:

муассис-жисмоний (юридик) шахс ёки муассис-жисмоний шахснинг яқин қариндошлари, юридик шахслар устав капиталидаги иштироки муносабати билан ёки бошқа усуллар билан уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган юридик шахслар тўғрисида ҳамда муассис-юридик шахснинг устав фондидаги улуши (агар мавжуд бўлса) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва тўлов реквизитлари;

муассислар рўйхати ва мазкур юридик шахс устав капиталига киритилган бадаллар суммаси (жумладан, устав капитали умумий суммасига нисбатан фоиз ҳисобида);

молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотлар (молиявий ҳисобот, жумладан чиқарилган облигациялар, олинган кредитлар ва берилган банк кафолатлари тўғрисидаги маълумотлар);

юридик шахс раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

5) ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган муассислар қўшимча равишда ариза тақдим қилинганга қадар охириги беш йил мобайнида суд ёки давлат органлари томонидан уларга нисбатан қўлланилган барча жазо чоралари тўғрисидаги маълумотлар. Марказий банк зарур ҳолларда мазкур кичик банда келтирилган маълумотларни ташкил этилаётган банк овоз берувчи акцияларининг беш фоизидан кам бўлган улушига эгалик қиладиган муассислардан ҳам талаб қилишга ҳақли;

6) ташкил этилаётган банк кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари кўрсатилган ҳолда банк кенгаши аъзоларининг ҳамда бошқарув раиси ва бошқа раҳбар ходимлар рўйхати, жумладан, уларнинг аввалги меҳнат фаолиятлари, маълумот даражалари ҳамда уларга нисбатан қўлланган жазо чоралари тўғрисидаги, шунингдек уларнинг Марказий банк томонидан раҳбар ходимларга қўйилган талабларга мослигини тасдиқловчи маълумотлар;

7) банкнинг ташкилий тузилмаси;

8) банк ички аудити хизмати тўғрисида низом;

9) банкнинг ички кредит сиёсати тўғрисида низом;

10) банк бизнес-режаси. Унда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ банк фаолияти стратегияси, йўналишлари, кўлами, молиявий истиқболлари ва бошқа зарурий маълумотлар очиб берилиши керак;

11) вакилнинг муассислар номидан ариза бериш ваколатига эга эканлигини тасдиқловчи (нотариал тартибда ёки бошқа усулда тасдиқланган) ҳужжат;

12) банкнинг инвестиция сиёсати тўғрисида низом. Банк кенгаши томонидан тасдиқланган банкнинг инвестиция сиёсати тўғрисидаги низомда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

инвестиция стратегияси ва мақсадлари;

банк маблағларини инвестициялаш режалаштирилаётган қимматли қоғозлар турлари ва шакллари, инвестицияларни амалга ошириш муддатлари;

қимматли қоғозлар эмитентлари ва уларнинг фаолият соҳалари бўйича акцияларни жамлашни чегаралаш;

қимматли қоғозларга қўйилмаларнинг хавфсизлигини ва уларнинг сифатини баҳолаш;

қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий аҳволини ва бошқариш тажрибасини баҳолаш;

инвестициялар диверсификациясини амалга ошириш;

13) банкнинг эмиссия сиёсати тўғрисида низом. Банк кенгаши томонидан тасдиқланган банкнинг эмиссия сиёсати тўғрисидаги низомда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

эмиссия фаолияти стратегияси ва мақсадлари;

банк чиқаришни режалаштираётган қимматли қоғозлар турлари ва шакллари, эмиссия муддатлари;

қимматли қоғозлар ликвидлилигини ва муомалада бўлишлигини сақлаб туриш;

қарз мажбуриятларининг ўз вақтида қопланишини таъминлаш;

14) аризани кўриб чиқиш учун тўланиши лозим бўлган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Таъсис йиғилиши баёнида мазкур банднинг 7 — 9, 12 ва 13-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаш, шунингдек, кенгаш раисини сайлаш тўғрисидаги қарорлар бўлиши лозим.

50. Резюме, шахсий баланс қайдномаси ва банк бизнес-режасида келтирилган барча саволларга тўлиқ жавоб берилиши керак. Мазкур Низомнинг 49-бандида келтирилган барча ҳужжатлар уч нусхада тақдим этилади.

51. Аризага илова қилинган ҳужжатлардаги барча маълумотларнинг ҳаққонийлиги текширилади.

Банкни рўйхатга олиш ва лицензия олишга дастлабки рухсатни беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ҳужжатларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилмай тақдим этилиши;
тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

ХII. Чет эл капитали иштирокидаги банк ва чет эл банкининг шўъба банкни ташкил этишга қўшимча талаблар

52. Фақат молиявий ахvoli мустаҳкам ва обрўга эга бўлган норезидент банкларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз шўъба банкларини очишга йўл қўйилади. Бунда, қисқа муддатли мажбуриятлари IBCA, Moody's ёки Standart and Poog's таснифлари бўйича A1 (ёки A+)дан паст бўлмаган рейтингга эга бўлган норезидент банклар устунликка эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз шўъба банкни очиш ёки банк устав капиталида иштирок этиш истагини билдирган норезидент банкнинг устав капитали 500 млн. евро эквивалентига тенг суммадан кам бўлмалиги керак.

53. Норезидент жисмоний ва юридик шахслар томонидан, шунингдек, эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) норезидент жисмоний ва/ёки юридик шахсларнинг эгалигида, фойдаланувида ёки тасарруфида бўлган резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган банкларнинг акцияларини сотиб олиш, уларга эгалик ҳуқуқини бериш ва шу каби бошқа муносабатлар бўйича келишувлар фақат Марказий банкнинг олдиндан рухсати олинганидан сўнг амалга оширилади.

54. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидент банкларнинг филиалларини ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

55. Чет эл капитали иштирокидаги банклар ва чет эл банкининг шўъба банкларида — бош бухгалтер, бошқарув раиси ўринбосари лавозимларига, бошқарув раиси ўринбосарлари бир кишидан кўп бўлган банкларда эса — биринчи ўринбосар лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари таъинланади.

56. Чет эл капитали иштирокидаги банкларда банк кенгаши аъзоларининг ҳеч бўлмаганда биттаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим, чет эл банкининг шўъба банклари бундан мустасно.

57. Банкни ташкил этишда норезидент банк иштирок этган ҳолларда Марказий банк қўшимча равишда қуйидаги омилларни кўриб чиқади:

норезидент банк мамлакатадаги назорат даражаси ва сифати;
норезидент банкнинг IBCA, Moody's ёки Standart and Poog's таснифлари бўйича кредит рейтинги;
норезидент банк мамлакатада омонатларни муҳофаза қилиш тизими;

норезидент банк мамлакатигади иқтисодий ахвол.

Марказий банк мазкур бандда қайд этилган омилларни белгилаш мақсадида қўйидагилар билан муносабатларни ўрнатади:

норезидент банк мамлакатигади банк назоратини амалга оширувчи орган билан;

норезидент банк мамлакатигади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан;

норезидент банк мамлакатигади фискал органлар билан.

58. Банкни ташкил этишда норезидент банк иштирок этса, муассислар мазкур Низомнинг 49-бандида келтирилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) норезидент банкнинг тегишли органи томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этишда қатнашиш тўғрисида қарор;

б) муассис-норезидент банкнинг устави;

в) муассис-норезидент банк жойлашган мамлакатдаги банк назорати органининг муассис-норезидент банкнинг банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга эканлиги, жумладан, ўз мамлакатига қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги ёзма тасдиқномаси;

г) банк назорати органининг муассис-норезидент банк жойлашган ва рўйхатдан ўтказилган жойда назоратда эканлигини тасдиқловчи ёзма тасдиқномаси;

д) аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган муассис-норезидент банкнинг охириги уч йиллик молиявий ҳисоботи;

е) банк назорати органининг муассис-норезидент банк Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган банк устав капиталида қатнашиши учун берган ёзма рухсатномаси ёки муассис-норезидент банк мамлакати қонунларига кўра бундай рухсатнома талаб этилмаслиги тўғрисидаги ёзма тасдиқномаси;

ж) муассис-норезидент банк акциядорлари (иштирокчилари) ҳақидаги қўйидаги маълумотлар:

фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахслар учун), фирма номи (юримдик шахслар учун);

туғилган санаси ва жойи (жисмоний шахслар учун), давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва жойи (юримдик шахслар учун);

норезидент банк акциядорларининг мазкур банк устав капиталидаги улуши.

Норезидент банклар Ўзбекистон Республикасининг фаолият кўрсатаётган банклари устав капитали улушини сотиб олган ҳолларда ҳам мазкур бандда келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

59. Банкни ташкил этишда банк бўлмаган норезидент юримдик шахслар қатнашса, мазкур Низомнинг 49-бандида келтирилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) муассис ваколатли органининг унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк устав капиталида иштирок этиши тўғрисидаги қарори нусхаси;

б) аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган муассиснинг охирги уч йиллик молиявий ҳисоботи;

в) агар муассиснинг мамлакати қонунлари талаб қилса, муассис жойлашган мамлакат назорат органининг унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк устав капиталида иштирок этишига розилигини тасдиқловчи ҳужжати;

г) муассиснинг тўловга лаёқатлилиги тўғрисида биринчи даражали чет эл банки томонидан берилган тасдиқ;

д) муассиснинг таъсисчилари тўғрисида қуйидаги маълумотлар:

таъсисчи-юридик шахслар учун — фирма номи, давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва жойи, муассиснинг устав фондидаги (капиталидаги) улуши;

таъсисчи-жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи (тўлиқ манзили), ишбилармонлик ёки профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, муассиснинг устав фондидаги (капиталидаги) улуши.

60. Мазкур Низомнинг 58 ва 59-бандларида қайд этилган барча ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки муассис-норезидент банк рўйхатдан ўтказилган давлатдаги ваколат берилган бошқа консуллик муассасалари томонидан тасдиқланади.

61. Банкни ташкил этишда норезидент жисмоний шахс қатнашса, мазкур Низомнинг 49-бандида келтирилган ҳужжатларга қўшимча равишда унинг тўловга лаёқатлилигини (устав капиталидаги ўз улушини тўлашга лаёқатлилигини) тасдиқловчи биринчи даражали чет эл банки томонидан берилган тасдиқ, шунингдек, унинг маблағларининг қонунийлиги тўғрисидаги хорижий давлат ваколатли органининг маълумотномаси илова қилинади.

62. Биринчи даражали чет эл банки бўлиб қисқа муддатли мажбуриятлари IBCA, Moody's ёки Standart and Poog's таснифлари бўйича А1 (ёки А+)дан паст бўлмаган рейтингга эга бўлган банк ҳисобланади.

63. Норезидентларнинг аризасини кўриб чиқиш ва уларнинг молиявий аҳволини баҳолашда, Марказий банк норезидентлар мамлакатининг назорат органи маълумоти ва фикр-мулоҳазаларига таянади.

Зарурат бўлганда, Марказий банк ўз мезонлари ва фикр-мулоҳазаларини қўллаш ҳуқуқига эга.

64. Чет эл капитали иштирокидаги банклар ва чет эл банкининг шўъба банкларини рўйхатга олишда уларнинг чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга тайёр бўлишлари мажбурийдир.

65. Норезидентлар томонидан банкни ташкил этишга берилган аризаларни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

махаллий иқтисодиётга ёки рақобат муҳитига ёмон таъсир ўтказиш хавфининг мавжудлиги;

бизнес-режанинг асосланмаганлиги ва молиявий институтнинг муваффақиятли иш олиб боришига ёрдамлашмаслиги;

уларнинг мамлакатида банк назоратининг етарли даражада эмаслиги (норезидент банк иштирок этса);

норезидент мамлакатининг назорат қилувчи органлари томонидан рад этиш тавсия қилинса;

норезидентнинг устав капиталида жинойй фаолиятдан олинган маблағларнинг мавжуд бўлиши ёхуд уларнинг акциядорлари таркибида оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг мавжуд бўлиши;

норезидентнинг молиявий ҳолати қониқарсиз бўлса;

банкнинг чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга тайёр эмаслиги;

банк кенгаши (чет эл банкининг шўъба банки бундан мустасно) ва бошқаруви таркибида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бўлмаслиги;

банкнинг хавфсиз ва барқарор фаолият юритишига халақит берувчи бошқа ҳолатлар.

ХIII. Банкни ташкил этиш учун дастлабки рухсатни бериш

66. Лицензиялаш департаменти бир ой муддат ичида муассислар тақдим этган ҳужжатлар тўпламини мазкур Низом талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Нотариус тасдиғидан ўтказилиши талаб қилинмайдиган ва ҳажми бир варақдан кўп бўлган ҳужжатлар алоҳида йиғмажилд шаклида тикилган бўлиши лозим.

67. Тақдим этилган ҳужжатлар тўплами тўлиқ жамланса ва мазкур Низом талабларига мувофиқ келса, Лицензиялаш департаменти Марказий банкнинг Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясига банкни очиш учун дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги масалани киритади, акс ҳолда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаби ва қанча муддат ичида ҳужжатларни такроран тақдим этиш мумкинлиги кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

68. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим. Ушбу муддатдан кечикиб тақдим этилган ҳужжатлар янгидан тақдим этилган ҳисобланади. Муассислар томонидан такроран тақдим этилган ҳужжатларни қайта ишлаш учун кетган вақт ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган муддатга кирмайди.

Такроран топширишда қайта ишланган ҳужжатлар ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ янгидан тегишли тартибда расмийлаштирилиши ва тасдиқланган бўлиши лозим.

69. Дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза тақдим этилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмаган муддатда қабул қилинади.

70. Марказий банкнинг дастлабки рухсати муассислар молиявий имкониятлари ва обрўси, бизнес-режа, капитал таркиби, молия режаси ҳамда

тегишли банк бинолари ва жиҳозлари билан таъминлаш имкониятларини баҳолаш асосида берилади.

Дастлабки рухсат олинганидан кейин муассислар банкни рўйхатга олиш ва лицензия олиш учун зарур бўлган ташкилий-техник ва бошқа тадбирларни амалга оширадilar. Банк бошқаруви раиси ва бош бухгалтери номзодлари танланиб, Марказий банкнинг розилигини олиш учун тақдим этилади. Дастлабки рухсатнинг олиниши лицензия берилишини кафолатламайди.

71. Марказий банк томонидан берилган дастлабки рухсат у олинган кундан бошлаб олти ойдан ошмайдиган муддат давомида ўз юридик кучини сақлаб қолади.

72. Қуйидаги ҳолларда дастлабки рухсат амал қилиш муддатида олдин бекор қилиниши мумкин:

муассислар ёки банкнинг раҳбар ходимлари таркибида Марказий банк талабларига жавоб бермайдиган ўзгаришларнинг юз бериши ёки янги иштирокчилар ва банкнинг раҳбар ходимларига бериладиган резюме, шахсий баланс қайдномаси, бизнес-режанинг ва йирик муассислар ёки раҳбарларга тааллуқли бўлган ҳолатларнинг ўзгартирилган қисмининг тақдим этилмаслиги;

банк мулкӣ-ҳуқуқӣ шаклининг ўзгарганлиги, бизнес-режадаги ва капиталдаги муайян таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши;

муассислар ёки улар билан боғлиқ шахслар молиявий аҳволининг ёмонлашиши;

банкни бошқариш хавфсиз ва барқарор бўлмаслигини кўрсатувчи ҳолатларнинг маълум бўлиши;

конун ҳужжатларини бузганлиги учун жинойӣ жавобгарликка тортилганлигининг аниқланиши.

XIV. Банкни рўйхатга олиш ҳамда лицензия бериш тартиби

73. Банклар Марказий банкда Тижорат банкларини рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини оладилар. Рўйхатга олиш билан бир вақтда уларга лицензия берилади.

74. Банкни рўйхатга олиш ва лицензия олиш учун муассислар дастлабки рухсат олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

а) муассисларнинг ваколатли шахси имзолаган банкни рўйхатга олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани тақдим этиш;

б) банкни рўйхатга олиш ва лицензия олиш учун ушбу Низомда назарда тутилган барча зарурий талабларни бажариш;

в) мазкур Низомнинг IX бўлими талабларига мувофиқ банк бинолари муҳофазасини таъминлаш ҳамда муҳандис-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш, дастурий маҳсулотларни тайёрлаш;

г) Марказий банк томонидан белгиланган минимал талабдан кам бўлма-

ган микдорда банк устав капиталини шакллантириш ҳамда устав капиталига йўналтирилган тўловни тасдиқловчи ҳужжатларни ва муассислар рўйхатини тақдим этиш;

д) банк бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва унинг ўринбосарлари эгаллаб турган лавозимларига касбий мувофиқлигини баҳолаш бўйича Марказий банкнинг ижобий хулосасини тақдим этиш;

е) мазкур Низомнинг 49-бандида санаб ўтилган барча ҳужжатларнинг файл (электрон) кўринишдаги нусхаларини ҳам тақдим этиш.

75. Банкни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза тақдим этилганидан сўнг Лицензиялаш департаменти очилаётган банкни мазкур Низомнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан текширади.

76. Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор Марказий банкнинг барча талаблари бажарилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

77. Қўйидагилар банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия беришни рад этиш учун асос бўлади:

а) таъсис шартномаси ва уставнинг қонун ҳужжатларига мос келмаслиги;

б) бир ёки бир неча муассис молиявий аҳволининг қониқарсизлиги;

в) муассислар маблағлари манбаларининг декларация қилинмаганлиги (хусусий тижорат банклари устав капиталида иштирок этаётган резидент жисмоний шахслардан ташқари);

г) банк рўйхатга олинган вақтгача банк энг кам устав капиталининг шакллантирилмаганлиги;

д) мазкур Низомнинг IX бўлими талабларига мувофиқ банк бинолари муҳофазасининг таъминланмаганлиги ҳамда муҳандис-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланмагани, дастурий маҳсулотларнинг тайёр эмаслиги;

е) ташкил этилаётган банк раҳбари ва бош бухгалтерининг касбга но мувофиқлиги.

78. Марказий банк томонидан берилган лицензия банкка унда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

79. Ташкил этилаётган банкни бошқариш имкониятлари, умумий таваккалчилик ва капитал тузилмасини ўрганиш асосида айрим фаолият турлари чеклаб қўйилиши мумкин.

80. Лицензия учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

81. Чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун банкларга «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари»га (рўйхат рақами 463, 1998 йил 3 август) мувофиқ бош ёки ички лицензиялар берилади.

82. Рўйхатга олинган банкнинг юридик йиғмажилдида қўйидаги ҳужжатлар бўлади:

а) банк устави. Унинг титул varaғида банк рўйхатга олинганлиги тўғрисида белги қўйилиб, Марказий банк ваколатли мансабдор шахсининг имзоси ва Марказий банк муҳри қўйилади;

б) банк ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси (асл нусха банкда сақланади);

в) таъсис йиғилиши баёни;

г) банк кенгаши раиси имзолаган таъсисчилар рўйхати;

д) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори нусхаси (банкнинг муассиси давлат бўлса);

е) муассис норезидент шахс тегишли органининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ташкил этилган банк устав капиталида қатнашиш ёки шўъба банк ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

ж) Марказий банк Бошқарувининг банкни давлат рўйхатига олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги қарори;

з) лицензия (асл нусха банкда, нусхалари Марказий банк ва унинг тегишли ҳудудий Бош бошқармаси йиғмажилдида сақланади);

и) рўйхатга олиш картаси.

83. Юридик йиғмажилд уч нусхада тайёрланади:

бир нусха янги ташкил этилган банк кенгаши раисига имзо чектирилган ҳолда топширилади;

бир нусха Марказий банкда сақланади;

бир нусха Марказий банкнинг янги ташкил этилган банк жойлашган ҳудуддаги Бош бошқармасига юборилади.

84. Банк рўйхатга олингунга қадар банк номидан бажарилган банк операциялари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

85. Банк рўйхатга олинганидан кейин ўн кунлик муддатда ўзи жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига зарур ҳужжатларни топширади.

XV. Банкни рўйхатга олиш ва лицензия бериш учун тўловлар

86. Банкни рўйхатга олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилади. Мазкур йиғим банкни очиш учун дастлабки рухсатни бериш босқичида ундирилади. Аризани қайта кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

87. Банк рўйхатга олинганлиги ва унга лицензия берилганлиги учун давлат божлари ундирилади.

88. Давлат божлари ва йиғимнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

89. Лицензия дубликатини беришда ёки уни қайта расмийлаштиришда банкни рўйхатга олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим суммасининг тенг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

90. Банклар Тижорат банкларини рўйхатга олиш китобига киритилган ўзлари ҳақидаги ва уларнинг муассислари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун Марказий банкка энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида тўлов амалга оширишлари лозим.

Давлат органларига банк ҳамда унинг муассислари тўғрисидаги маълумотлар тўлов амалга оширилмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

Маълумотлар Тижорат банкларини рўйхатга олиш китобидан кўчирма кўринишида берилади.

XVI. Лицензиянинг дубликати бериш ва уни қайта расмийлаштириш

91. Лицензиянинг асл нусхаси йўқолган тақдирда, банк бир ҳафталик муддатда бу ҳақда Марказий банкка ёзма равишда маълумот беради ва уни қайта тиклаш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

аввал берилган лицензиянинг йўқолганлиги сабаби кўрсатилган ҳамда лицензия дубликати берилишини сўраб, лицензияни сақлаш учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар акс эттирилган ариза;

топилмалар бюроси томонидан лицензиянинг йўқотилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

оммавий ахборот воситалари манбаларига йўқотилган лицензияни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган эълон нусхаси.

92. Марказий банк бир ой муддат ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва банк томонидан кўрилган тадбирларни мазкур Низомнинг 91-бандига мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилган тақдирда лицензияни йўқотган банкка унинг дубликати беради.

Агар лицензия дубликати олингандан сўнг аввал йўқотилган лицензия топилса, банк беш иш куни ичида лицензиянинг асл нусхасини бекор қилиш учун Марказий банкка топширади.

93. Лицензияни қайта расмийлаштириш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда) мувофиқ амалга оширилади.

XVII. Банк филиалини очиш тартиби

94. Банк номидан банк операцияларининг барчасини ёки бир қисмини, шу жумладан, филиал жойлашган ҳудудда ваколатхона (вакил) вазифаларини амалга оширувчи алоҳида бўлинма банк филиали ҳисобланади.

95. Филиал уни ташкил этган банк томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номи банк номига тўлиқ мос келиши керак.

96. Филиал ўз фаолиятини банк кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом ва банк томонидан берилган ишончнома доирасида банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

97. Банк филиаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ банк кенгаши қаро-

рига биноан Марказий банкдан олдиндан розилик олинган ҳолда очилади (ёки тугатилади) ҳамда Марказий банкда рўйхатга олинади.

Рўйхатга олингунга қадар филиал томонидан амалга оширилган фаолият ноқонуний ҳисобланади.

98. Марказий банкнинг банк филиалини очишга берадиган дастлабки рухсатини олиш учун Марказий банкка филиални ташкил этиш тўғрисидаги кенгаш қарори, мазкур филиални очиш учун иқтисодий асослов ҳамда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ филиалнинг тахминий баланс қайдномаси ва даромадлар тўғрисидаги тахминий ҳисоботи тақдим этилиши лозим.

99. Тақдим этилган ҳужжатлар тўплами тўлиқ жамланса ва мазкур Низом талабларига мувофиқ келса, Лицензиялаш департаменти Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясига банк филиалини очиш учун дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги масалани киритади, акс ҳолда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаби кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

Дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмаган муддатда қабул қилинади.

100. Дастлабки рухсатни олиш учун банкнинг молиявий ҳолати қониқарли бўлиши ва у иқтисодий меъёрларга ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши лозим.

101. Филиални очиш тўғрисида дастлабки рухсатни олгандан сўнг банк филиални ташкил этиш бўйича ташкилий-техник ва бошқа тадбирларни амалга ошириши лозим.

102. Марказий банк томонидан банк филиалини очиш учун берилган дастлабки рухсат у берилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлаб туради.

103. Филиал қўйидаги шартларга риоя қилган ҳолда очилиши мумкин: банк қониқарли молиявий аҳволга эга бўлиши лозим; банк иқтисодий меъёрларга ва қонун ҳужжатларига риоя этиши керак; банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига таклиф этилаётган номзодлар касбга мувофиқ бўлиши зарур;

мазкур Низомнинг IX бўлими талабларига мувофиқ банк филиали бинолари муҳофазасини таъминлаган ҳамда техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаган, дастурий маҳсулотларни тайёрлаган бўлиши лозим.

Банк барча филиалларнинг ички вакиллик ҳисобварақлари бўйича операцияларни ҳисобга олган ҳолда кунлик жамлама бухгалтерия балансини тузиш учун дастурий маҳсулотларга эга бўлиши лозим.

Банк филиали Марказий банк талабларига жавоб берадиган бино ва жиҳозлар билан таъминланиши керак.

104. Филиални рўйхатга олиш учун Марказий банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

банк филиалини рўйхатга олиш учун банк кенгаши раисининг имзоси қўйилган мурожаат хати;

банк филиали тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги банк кенгашининг қарори;

банк филиали тўғрисидаги низом. Унда банк ўз ваколатлари доирасида филиалга берадиган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига юкланадиган мажбуриятлар белгилаб қўйилади;

банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, банк филиали раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига касбий мувофиқлигини баҳолаш бўйича Марказий банк комиссиясининг ижобий хулосаси;

мазкур Низомнинг IX бўлими талабларига мувофиқ банк филиали бинолари муҳофазасини таъминланганлиги ва техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлиги, дастурий маҳсулотларнинг тайёрлиги юзасидан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг ижобий хулосаси.

105. Банк филиалини очиш учун тақдим этилган ҳужжатлар бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлганда ҳамда банк филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий-техник ва бошқа тадбирлар амалга оширилганда, Лицензиялаш департаменти банк филиалини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани Кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси муҳокамасига киритади. Акс ҳолда, асослантирилган сабаблари кўрсатилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилди. Ҳужжатлар қайтадан топширилганда, банк филиали тўғрисидаги низом банк кенгаши томонидан янгидан тасдиқланган бўлиши лозим.

106. Банкларнинг филиаллари юридик шахс ҳисобланмайдилар ва улар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб ўз фаолиятларини бошлайдилар.

107. Банк филиали юридик йиғмажилди қўйидагиларни ўз ичига олади: банк кенгашининг мазкур филиални ташкил этиш тўғрисидаги ва унинг низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори;

банк филиалини ташкил этиш иқтисодий асослаб берилган ҳолда уни рўйхатга олиш тўғрисидаги мурожаат хати;

банк филиали тўғрисидаги низом. Унинг титул варағида банк филиали рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белги, Марказий банкнинг ваколатли мансабдор шахси имзоси ҳамда мухри қўйилган бўлиши керак;

Марказий банкнинг қароридан кўчирма;

банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, банк филиали раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига касбий мувофиқлигини баҳолаш бўйича Марказий банк комиссиясининг ижобий хулосаси;

рўйхатга олиш картаси.

108. Юридик йиғмажилд уч нусхада тайёрланади. Унинг бир нусхаси Марказий банкда сақланади, бошқа нусхалар филиални ташкил этган банкка ҳамда филиал жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига юборилади.

109. Банклар бошқа давлатлар ҳудудида ўз филиалларини ташкил этиш-

лари учун Марказий банкнинг рухсатини олишлари шарт. Бундай рухсат мазкур Низомнинг 103-104-бандларида белгиланган талабларга риоя этиш шarti билан берилади.

110. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) мувофиқ белгиланган тартибда Марказий банк филиални тугатишни талаб қилиши мумкин.

111. Филиални тугатиш ишлари қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

XVIII. Вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи ва Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағини очиш тартиби

112. Марказий банкнинг банкни очиш учун берган дастлабки рухсати ҳамда банк муассисларининг ваколатли шахси томонидан вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини очишга асос бўлади.

Вақтинчалик жамғарма ҳисобварағидан устав капитали жамғарилгунга ва лицензия олингунга қадар фойдаланилади. Мазкур ҳисобварақдаги маблағлар банк томонидан депозит сифатида жалб этилиши мумкин.

113. Банкни рўйхатга олиш рад этилган ҳолларда муассисларнинг ваколатли шахсига бу ҳақда ёзма равишда хабар берилади. Бунда, вақтинчалик жамғарма ҳисобварағидаги маблағлар мазкур ҳисобварақ очилган банк томонидан муассисларга қайтарилади.

114. Банк рўйхатга олинганидан ва унга лицензия берилганидан кейин Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағини очиш учун Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ҳудудий Бош бошқармасига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вакиллик ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза;
Марказий банкда рўйхатга олинган банк устави нусхаси;
лицензия нусхаси;
имзолар ва муҳр изи намуналари қўйилган, нотариал тарзда тасдиқланган карточка.

Вакиллик ҳисобварағи очилганидан кейин вақтинчалик жамғарма ҳисобварағи очилган банк муассисларнинг ваколатли шахси аризасига кўра вақтинчалик жамғарма ҳисобварағидаги маблағларни ташкил этилган банкнинг вакиллик ҳисобварағига ўтказиши ҳамда уч кунлик муддатда вақтинчалик жамғарма ҳисобварағини ёпади.

XIX. Ташкилий-техник тадбирларни молиялаштириш

115. Ташкилий-техник тадбирларни бажариш, банк операцияларини автоматлаштирилган тарзда амалга ошириш учун бинолар ва жиҳозларни,

дастурий маҳсулотларни тайёрлаш, касса тармоғини тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар муассислар ҳисобидан қопланади. Бунинг учун муассислар банкни ташкил этиш бўйича харажатларнинг тахминий ҳисоб-китобини қиладилар ҳамда бир ёки бир неча муассис томонидан харажатларни амалга ошириш тўғрисида ўзаро шартнома тузадилар. Ушбу шартнома ва кўзда тутилаётган харажатларнинг тахминий ҳисоб-китоби банк рўйхатга олингунга қадар маъқуллаш учун Марказий банкка тақдим этилади.

116. Банк рўйхатга олингач ва лицензияга эга бўлгач муассислар акциядорлар умумий йиғилишида банкни ташкил этиш бўйича харажатларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қилинган харажатлар ҳақида ҳисобот берадилар.

Уларнинг ҳаракати акциядорлар умумий йиғилиши томонидан маъқулланса, банк шартномага мувофиқ улар томонидан сарфланган суммани қайтариб беради.

XX. Яқуний қоидалар

117. Ушбу Низомга мувофиқ талаб қилинадиган барча ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда) риоя этилган ҳолда тақдим этилади.

118. Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Муассислар рўйхати ва улар ҳақидаги асосий
МАЪЛУМОТЛАР**

Муассис-жисмоний шахслар								
Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Паспорт маълумотлари (серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилганлиги)	Яшаш жойининг почта манзили ва телефон рақамлари	Фаолият тури, иш жойи	Лавозими (ишласа)	Иш жойи манзили ва телефон рақами	Янги ташкил этиладиган банкнинг устав капиталига киритган бадаллари миқдори	
							минг сўм	фоиз
А	1	2	3	4	5	6	7	8
1.								
2.								
3.								
4.								
5.								
							0,00	0,00 %

Муассис-юридик шахслар								
Т/р	Тўлиқ номи	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Почта манзили ва телефон рақамлари	Тўлов реквизитлари		СТИР	Янги ташкил этиладиган банкнинг устав капиталига киритган бадаллари миқдори	
				асосий ҳисоб рақами	хизмат кўрсатувчи банк МФОси		минг сўм	фоиз
А	1	2	3	4	5	6	7	8
1.								
2.								
3.								
4.								
5.								
							0,00	0,00 %

Банкларни рўйхатга олиш ва улар
фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

РЕЗЮМЕ

(Эслатма: келтирилган ахборотдаги ҳар қандай муҳим ўзгаришлар Марказий банкка маълум қилиниши лозим).

Банк бошқарув
органидаги лавозими _____
(банк Кенгаш раиси ёки аъзоси, Бошқарув раиси ёки аъзоси)

Банк устав капиталига
киритадиган бадали _____
(фоиз ва млн. сўмда)

Умумий ахборот

1. Ф.И.Ш. _____
(Фамилияси, исми, отасининг исми)

2. Манзил _____
(шаҳар, вилоят, почта индекси, мамлакат)

3. Туғилган сана _____
(йил, кун, ой)

4. Туғилган жой _____
(шаҳар, вилоят, мамлакат)

5. Фуқаролик _____
(мамлакат)

6. Паспорт рақами _____

7. Телефон рақамлари _____
(уй телефони, хизмат телефон)

8. Қарамоғингиздагилар ва бирга яшайдиган бошқа қариндошлар:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Қариндошлик даражаси	Туғилган санаси	Фуқаролиги	Яшаш манзили	Иш жойи ва лавозими
------------------------------------	-------------------------	--------------------	------------	--------------	------------------------

9. Ҳозир ёки илгари қўлланилган номларни, шунингдек уларнинг алмашиши сабаби ва қўлланиш даврини кўрсатинг. Қизлик фамилияси, олдинги никоҳлардаги исмлар, қонун бўйича ёки бошқа тарзда ўзгарган исмлар, тахаллуслар ва бошқалар киритилиши шарт.

Исм	Қўлланиш даври	Қўлланиш сабаби
-----	----------------	-----------------

10. Олдинги яшаш жойи.

Сўнги беш йилдаги барча аввал яшаган жойларни тескари хронологик тартибда кўрсатинг. Манзил ва яшаган даврни киритинг.

Мамлакат	Вилоят	Шаҳар	Кўча	(ой/йил) дан	(ой/йил) гача
----------	--------	-------	------	--------------	---------------

11. Ҳозирги вақтдаги ишингиз:

сўнги беш йилдаги барча аввал ишлаган жойларингиз тўғрисидаги қуйидаги ахборотни тескари хронологик тартибда кўрсатинг. Дастлаб ҳозирги вақтдаги ишингизни кўрсатинг. Барча ишсиз юрган даврларни ва аввалги ишдан кетиш сабабларини киритинг. Зарур бўлса, қўшимча варақлардан фойдаланинг.

Ташкилот номи _____

Ташкилотнинг асосий фаолият тури _____

Манзили ва телефон рақамлари _____

(кўча, уй, хонадон, шаҳар, вилоят, индекс, мамлакат)

Сизнинг эгаллаб турган (эгаллаган) лавозимингиз _____

Ишлаган давр: _____ дан _____ гача

Бир йиллик иш ҳақи _____

(сўнги беш йиллик учун алоҳида кўрсатилсин)

Лавозим мажбуриятлари _____

12. Лавозими, хизмат мажбуриятлари ва асосий мажбуриятлар таърифи (агар сиз банкнинг мансабдор шахси сифатида таклиф этилаётган бўлсангиз, банкдаги тажрибангизнинг батафсил таърифи. Банкларда эгаллаган лавозимларингиз, қўл остингиздаги ходимлар сони, ваколатларингиз ва бошқалар тўғрисидаги ахборотни киритинг. Зарур бўлса, қўшимча варақлардан фойдаланинг).

13. Эгаллаб турган лавозимингиздан озод қилинишингиз сабаблари:

аввал ишлаган жойларингиздан бўшатишганмисиз ёки сизнинг эгаллаб турган лавозимингиздан озод қилинишингизни илтимос қилишганми? Ташкилотнинг номи, манзили ва телефони, сиз ишдан бўшаган лавозимни, бўшаш санасини кўрсатинг ҳамда вазиятни изоҳланг.

Ёлловчининг номи, манзили, телефони, лавозими, бўшаш санаси. Изоҳ.

14. Жиноий ва интизомий хатти-ҳаракатлар бўйича сизга ёхуд сиз ҳозир

ёки илгари боғлиқ бўлган ташкилотга нисбатан қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлсангиз, уларни очиб беринг.

15. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан сизга нисбатан ёки сиз раҳбар ёки йирик акциядори (чиқарилган акцияларнинг 10 ёки ундан ортиқ фоизи эгаси) сифатида ўзаро алоқадор бўлган ташкилотга нисбатан барча айбловлар, ҳибслар, айблов хулосалари ёки ҳукмларни кўрсатинг. Ташкилотнинг номини, унга алоқангизни, шу жумладан, сиз эгалик қилган акциялар фоизи ёки улушини (агар улар бўлса), айблов мазмунини, унинг санасини, айбловнинг бекор қилиниши ёки жорий аҳволини, бекор қилиш санасини (агар бўлса) кўрсатинг.

Ташкилотнинг номи, фаолият тури	Ташкилотга алоқангиз ва акциялар сони	Айблов мазмуни	Айблов санаси	Айбловнинг бекор қилиниши	Айблов бекор қилинган сана
---------------------------------	---------------------------------------	----------------	---------------	---------------------------	----------------------------

16. Сиз алоқадор бўлган ҳар қандай молиявий ташкилотда унинг кенгаши, бошқаруви аъзоси, раҳбари ёки акциялари назорат пакети эгаси сифатидаги сизнинг ўрнингиз ва хизмат мажбуриятларингизни ҳамда сизнинг алоқадорлигингиз давомида ёки сиз ташкилотдан кетган вақтдан сўнг икки йил давомида уни вақтинча тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки унинг ночорлиги бўйича расмий битимга эришилганини батафсил ёритинг.

17. Сизда шахсий қарзларни, ташкилотингиз қарзларини ёки бошқа тўловлар, таъминот, муддати ўтганлик ёхуд молиявий қийинчиликларнинг бошқа турлари билан боғлиқ қарзларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятларингиз борми? Тўлиқ тафсилотларни келтиринг.

18. Ёлғон ёки далилларга нисбатан янглишишга олиб келувчи ариза, хабар ёки рўйхатга олиш муносабати билан молия органларга оғзаки ёки ёзма арз қилишингизга тўғри келганми ёхуд бундай ариза, хабар ёки рўйхатга олиш муносабати билан тақдим этилган ва/ёки талаб қилинган ахборотга нисбатан далилларни келтира олмаганмисиз?

Агар жавоб ижобий бўлса, тафсилотлар келтиринг.

19. Сиз банк кенгаши, бошқаруви аъзоси, раҳбарлик лавозимида ёки йирик акциядори (чиқарилган акцияларнинг 10 ва ундан ортиқ фоизи эгаси ёки уларни бевосита ёхуд билвосита назорат қилувчиси) сифатида алоқадор бўлган барча банклар, бошқа молиявий ташкилотларнинг бош ташкилотларини кўрсатинг. Мазкур ҳисоботнинг 11-бандида батафсил ёритилган ахборотни такрорламанг. Ҳар бир ташкилотнинг номи ва манзилини, улар билан алоқангизни, чиқарилган акцияларнинг сизга тегишли бўлган фоизини (агар улар бўлса) ва санани кўрсатинг.

Номи ва манзили	Лавозим/ муносабат	Эгалик қилиш фоизи	___ дан ой/йил	___ гача ой/йил
-----------------	--------------------	--------------------	----------------	-----------------

20. Сиз банк кенгаши, бошқаруви аъзоси, раҳбари ёки йирик акциядори (чиқарилган акцияларнинг 10 ва ундан ортиқ фоизи эгаси) сифатида

алоқадор бўлган барча ташкилотларни кўрсатинг. Ушбу ҳисоботда батафсил ёритилган ахборотни такрорламанг. Ҳар бир ташкилотнинг номи ва манзилини, унинг фаолият турини, у билан алоқангизни, акцияларининг сизга тегишли бўлган фоизини (агар улар бўлса) ва муносабатларни ўрнатиш санагини кўрсатинг.

Номи ва манзили	Фаолият тури	Алоқадорлик	Эгалик қилиш фоизи	Сана
-----------------	--------------	-------------	--------------------	------

21. Сиз ташкилот кенгаши, бошқаруви аъзоси, раҳбарлик лавозимида ёки йирик акциядори (чиқарилган акцияларнинг 10 ва ундан ортиқ фоизи эгаси) сифатида алоқадор бўлган ташкилот сўнги 10 йил ичида банкротлик билан боғлиқ суд текширишларига жалб этилганми? Банкротлик билан боғлиқ бўлган барча суд текширишларига доир барча тафсилотларни тўлиқ келтиринг.

22. Сиз аъзоси ҳисобланадиган барча жамоат ташкилотларини (жумладан, касаба уюшмалари) кўрсатинг. Мазкур ташкилотлар номи ва манзилини, бу ташкилотлар фаолият турини, шунингдек ушбу ташкилотларда сиз эгаллаган барча лавозимларни кўрсатинг.

Ташкилотлар номи ва манзили	Фаолият тури	Эгаллаган лавозимлар
-----------------------------	--------------	----------------------

23. Сиз ўз малакангиз учун зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай бошқа ахборотни кўрсатинг.

24. Камида учта тавсия этувчи шахслар номи ва тўлиқ почта манзилини кўрсатинг. Мазкур шахслар сизнинг характерингизни, қобилиятингизни ва сиз тўғрингизда асосий маълумотларни шахсан билишлари лозим, улар сиз билан ва ушбу ариза билан умуман алоқадор бўлиши мумкин эмас.

Ф.И.О.	Манзил/телефон	Иш жойи, лавозими ва ташкилотнинг асосий фаолият тури
--------	----------------	---

Исм _____

Имзо _____

Сана _____

Банкларни рўйхатга олиш ва улар
фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

1-шакл

Шахсий баланс қайдномаси

(минг сўмда)

АКТИВЛАР	
Нақд пуллар	
Қимматли қоғозлар	
Дебиторлик қарзлари	
Кўчмас мулк	
Инвестициялар (2-рўйхат)	
Бошқа активлар	
Жами активлар	
ПАССИВЛАР	
Кредиторлик қарзлари	
Кўчмас мулк асосида берилган қарзлар (3-рўйхат)	
Бошқа қарзлар (3-рўйхат)	
Бошқа пассивлар	
Жами пассивлар	
Шахсий капитал (активлар минус пассивлар)	
Пассивлар ва шахсий капитал	
Шартли мажбуриятлар (жумладан, кафолатлар)	

Исми _____

Имзоси _____

Сана _____

2-шакл

Инвестициялар

Сиз улушга эга бўлган барча ташкилотларга тааллуқли бўлган қуйидаги ахборотларни беринг:

«Ташкилот шакли» устунда ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатинг. «Машғулот тури ва сизнинг улушингиз» устунда мазкур ташкилот нима билан шуғулланишини тушунтиринг ва сизнинг мулкдаги улушингиз фоизини кўрсатинг (ҳар бир эгалик улуши учун сўнгги икки йилда фойда ва зарарлар бўйича ҳамда пул маблағлари ҳаракати бўйича ҳисоботларни ўз ичига олган йиллик якуний молиявий ҳисоботларни келтиринг).

Ташкилот номи ва манзили	Ташкилот шакли	Машғулот тури ва сизнинг улушингиз	Сотиб олиш санаси	Жорий нархи
			Жами:	

Ушбу рўйхатдаги жами сумма шахсий баланс қайдномасидаги жами суммага мос келиши зарур («Инвестиция» банди).

3-шакл

Тўланадиган қарзлар

Барча қарзларни, кредиторнинг исми (номи) ва манзилини; қарз берилган сана ва дастлабки суммани; таъриф ва сиз томонингиздан гаровга қўйилган таъминот қийматини; тўлаш муддати ва шартлари; сизнинг жорий мажбуриятлардаги улушингиз; тўланмаган деб тан олинган барча қарзларингизни кўрсатинг.

Кредиторнинг исми (номи) ва манзили	Қарз берилган сана ва дастлабки сумма	Пайчилар ва улушлар	Таъриф ва таъминот қиймати	Тўлов муддати, шартлари	Жорий баланс
				Жами:	

Эслатма: ушбу рўйхатдаги якуний сумма «Кўчмас мулк асосида берилган қарзлар» ва «Бошқа қарзлар» бандлари бўйича шахсий баланс қайдномасидаги жами суммага мос келиши зарур.

4-шакл

Пул ҳаракати тўғрисида ҳисобот

Сўнги икки йилдаги пул маблағлари манбалари ва улардан фойдаланишга доир ахборотни, жорий йиллик якуний ҳисоботни ва келгуси йил учун тахминларни келтиринг.

	200__	200__	Йиллик ҳисобот	Тахмин
Пул маблағлари манбалари				
Иш ҳақи, воситачилик ҳақи, мукофот пули, бошқа иш ҳақлари (солиқлар чиқариб ташланганидан кейин)				
Дивидендлар				
Фонзлар				
Роялти				
Хусусий бизнес, ширкатлар ва қўшма корхоналардан тушган пул маблағлари				
Кўчмас мулк рентаси (ялпи)				
Бошқалар				
Жами олинган пул маблағлари				
Пул маблағларидан фойдаланиш				
Шахсий харажатлар (уй хўжалиги ва ҳ.к.)				
Банк қарзлари (асосий тўлов ва фонзлар)				
Доимий ҳисобдан чиқаришлардан ташқари даромад солиги				
Бошқа харажатлар				
Жами пул харажатлари				
Пул маблағларининг соф оқими (тақчиллик)				

Исм _____

Имзо _____

Сана _____

Банкларни рўйхатга олиш ва улар
фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Банк овоз берувчи акцияларининг ўн ёки ундан ортиқ
фоиизига эгаллик қиладиган жисмоний шахслар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Банк устав капиталига бадал сифатида киритилаётган пул маблағлари-
нинг манбалари тўғрисида _____

(ташқил этилаётган банк номи кўрсатилсин)

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Паспорт серияси _____ рақами _____
ким томонидан ва қачон берилган _____
3. Доимий тураржойи _____
4. Асосий иш жойи ёки шуғулланадиган фаолият тури _____
5. Доимий иш жойи ёки меҳнат фаолиятини амалга ошираётган жой _____
6. Бюджетга солиқлар ундирилишини назорат қилувчи солиқ органи ва
унинг манзили _____
7. Даромадлар тўғрисидаги маълумотлар _____
(охирги 3 йил давомида олинган даромадлар ҳар бир йил учун алоҳида кўрсатилсин)
8. Тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумотлар _____
(охирги 3 йил давомида тўланган солиқлар ҳар бир йил учун алоҳида кўрсатилсин)
9. Банк устав капиталига киритилиши керак бўлган сумма _____
10. Жинойий жавобгарликка тортилганлик тўғрисидаги маълумотлар _____
(қачон, ким томонидан, қандай қонунбузарликлар учун жавобгарликка тортилгани, жавобгарлик тури кўрсатилсин)

11. Устав капиталига киритиш учун зарур бўлган маблағлар қуйидаги даромад манбалари ҳисобидан жамғарилган:

12. Ушбу декларацияни текшириш чоғида қуйидаги маълумотларга эътибор берилиши лозим: _____

13. Мазкур декларацияда кўрсатилган маълумотлар тўғрилиги тасдиқлансин:

Тасдиқлайман: _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

14. Сана:
«___» _____ 200__ й.

Эслатма: Декларацияни банк муассиси ўз қўли билан тўлдиради ва имзолайди. Имзо нотариус томонидан тасдиқланади.

Банкларни рўйхатга олиш ва улар
фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Бизнес-режа тузишга доир ТАВСИЯЛАР

I. Умумий маълумот

1. Мўлжалланаётган банкнинг номи ва жойини кўрсатинг.

II. Ташкилот таърифи

2. Мўлжалланаётган банк фаолият кўрсатадиган бозорни кўрсатинг.

3. Мўлжалланаётган хизмат турларини санаб ўтинг ва қисқача таърифланг. Уларни қуйидагича таснифланг: омонатлар бўйича хизматлар, кредит хизматлари, траст хизматлари, банк операциялари, бошқа хизматлар.

III. Раҳбарият ва бошқариш

4. Янги банк муассисларини, банк кенгаши ва бошқаруви аъзоларини, бошқарув раиси, бошқа раҳбарлари ва барча йирик муассисларини кўрсатинг:

а) барча муассисларнинг номи ва манзилини ҳамда банк кенгашига киритилиши мўлжалланаётган аъзоларни санаб ўтинг;

б) чиқарилган акцияларнинг 10 ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилиши мўлжалланаётган барча акциядорларнинг (йирик акциядорларнинг) номи ва манзилини санаб ўтинг ҳамда улар харид қилмоқчи бўлган акциялар улушини кўрсатинг;

в) бошқарув раиси ва барча маълум ижрочи мансабдор шахсларни, жумладан, бош бухгалтер, кредит бўйича мансабдор шахс, инвестициялар бўйича мансабдор шахс номлари ва манзилларини кўрсатинг.

г) ташкилий гуруҳ вакили номини айтинг, унинг номи, манзили ва телефон рақамларини кўрсатинг.

5. Таклиф этилаётган ташкилий тузилма ва банк кенгаши, бошқаруви ҳамда бошқа мансабдор шахслар мажбуриятларини баён этинг.

6. Мўлжалланаётган кенгаш аъзолари, бошқарув раиси ва бошқа мансабдор шахслар малакасини кўрсатинг.

7. Барча мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар низоларини кўрсатинг.

8. Банк бошқа ташкилотлардан банк хизматлари ёки бошқа хизматларни олиш учун тузишни мўлжаллаётган барча битимларни таърифланг.

IV. Бозор таҳлили

9. Хизмат кўрсатиш мўлжалланаётган бозорни таҳлил қилинг. Сиз хизмат кўрсатишни мўлжаллаётган бозорни иқтисодий жиҳатдан таърифланг. Бозорнинг кўзда тутилаётган ўзгаришларини, бундай ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни ва уларнинг янги очиладиган банкка таъсирини таърифланг. Таҳлил энг янги иқтисодий маълумотлардан фойдаланишга асосланган бўлиши лозим.

10. Рақобатни таҳлил қилинг. Сиз хизмат кўрсатишни мўлжаллаётган бозор сегментларини, хизмат кўрсатилаётган бозорга таъсир этиши мумкин бўлган ташқи рақобатчиларни ҳамда исталган потенциал рақобатни санаб ўтинг. Ўз фикрингизни ҳамда уларнинг бозор стратегиялари ва янги очиладиган банкка нисбатан кутилаётган таъсири таҳлилини баён қилинг.

11. Ҳар бир маҳсулот бўйича бозор улушини эгаллаш учун сиз қўлламоқчи бўлган стратегияни ва эришилиши кутилаётган натижаларни изоҳлаб беринг.

V. Режалар ва мақсадлар

12. Бозорни таҳлил қилишда ва янги банк учун тахминлар ҳамда мақ-

садлар белгилашда фойдаланилган асосий тахминларни келтиринг ва изоҳланг. Энг камида қуйидаги ахборотни киритинг:

бозорнинг ўсиши ва фоиз ставкаси;
ресурслар қиймати;
рақобат.

13. Активлар ва пасивлар структураси. Тахмин қилинган молиявий ҳисоботлар активлар ва пасивлар таркибини, асосий маблағларга йўналтирилладиган инвестицияларни ҳамда ходимларга тўланадиган товон пулларини кўрсатиши лозим. Улар бозор таҳлилларида акс эттирилган тахминларга ва юқорида муҳокама қилинган стратегияларга асосланган бўлиши зарур. Таклиф этиладиган молиявий ҳисоботлар форматлари кейинги ўринларда келтирилади. Асосий маблағлар ва тегишли харажатларнинг ўзига хос хусусиятлари тафсилотларини киритиш керак.

14. Янги банкни мустақил аудит хизматлари билан таъминлаш бўйича муассислар режасини муҳокама қилинг. Марказий банк мустақил аудитор ёлланишини лицензия бериш шarti сифатида талаб қилиши мумкин.

VI. Капиталлаштириш

15. Капиталнинг мўлжалланаётган тузилмасини муҳокама қилинг ва нима учун муассислар мўлжаллаётган сумма бозор омиллари, стратегиялари ва харажатлари шароитида етарли деб ҳисоблашларини тушунтириб беринг. Муассислар самарали рақобатбардошлик ва барча ташкилий харажатлардан ташқари режалаштирилган операцияларнинг тегишлича қўллаб-қувватланиши учун етарлича суммани йиғиши лозим.

16. Капиталнинг дастлабки оширилиши ва дастлабки уч йилда унинг ўсишини молиялаш бўйича режаларни муҳокама қилинг. Сизнинг режаларингиз банкка Марказий банкнинг капитал адекватлиги бўйича талабларига қандай мувофиқ келиш имконини беришини тушунтиринг.

Ариза биринчи ва иккинчи даражадаги тахминий капиталлар элементларини батафсил ва алоҳида баён этувчи таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда капитал шаклини ўз ичига олиши лозим. Капитал таваккалчилиги ва леверажини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилиги кўрсаткичлари ҳисобкитобини киритинг. Тахминий ҳисоб-китоблар дастлабки уч йилдаги операциялар учун қилинган бўлиши зарур. Мазкур бўлимда «Тахминий капитални ҳисоб-китоб қилиш» намунасига яқин бўлган тахминий фикрдан фойдаланиш мумкин.

17. Чиқариш учун рухсат этилган акциялар сони, чиқарилаётган акциялар сони, акциялар потенциал қиймати ва акцияларнинг сотилиш нархини муҳокама қилинг.

1-шакл

Тахминий баланс қайдномаси

(минг сўмда)

Активлар	Йил	1	2	3
Нақд пуллар				
Марказий банкдаги вакиллик ҳамда захира ҳисоб рақамлари				
Бошқа банклардаги вакиллик ҳисоб рақамлари				
Қимматли қоғозлар				
Кредитлар				
Ипотека ссудалари				
Тижорат ссудалари				
шу жумладан, жисмоний шахсларга				
Бошқа кредитлар				
Минус: кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира				
Соф кредитлар				
Асосий воситалар				
Бошқа активлар				
Жами активлар				
Пассивлар				
Талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамлари				
Ташкилотлар				
Истеъмолчилар				
Бошқалар				
Жамғарма омонатлари				
Муддатли омонатлар				
Жами омонатлар				
Қарзлар				
Марказий банкдан				
Банклардан				
Бошқалар				
Бошқа пассивлар				
Жами пассивлар				
Жами капиталлар (2-шакл)				
Жами пассивлар ва капитал				

2-шакл

Капитални шартли равишда ҳисоблаш

Изоҳ: капитал компонентларини аниқ белгилаш ва таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда капитал ва активларни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг капитал адекватлигига доир йўриқномаларидан фойдаланинг.

(минг сўмда)

Капитал	Йил	1	2	3
1-даража				
Оддий акциялар (тўланган)				
Муддатсиз имтиёзли (нокумулятив)				
Бозор қийматининг номинал қийматдан ошиб кетиши				
Тақсимланмаган фойда				
Бошқалар				
МИНУС: Гудвилл ва номоддий активлар				
II даража (I даражадаги капиталга тенг ёки ундан кам бўлиши керак)				
Кредитларга доир йўқотишлар учун умумий захиралар улуши				
Бошқа капитал воситалари				
1-даражали капитал + 2-даражали капитал МИНУС: Шўъба компаниялар капиталига инвестициялар (капитал адекватлигига доир йўриқномалар билан белгиланади)				
Жами капитал				
Капитал коэффициентлари				
1-даражали умумий капитал/ Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги умумий активлар (%)				
Умумий капитал/ Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги умумий активлар (%)				

3-шакл

Даромадлар тўғрисида тахминий ҳисобот

Фоишли даромадлар	Йил	(минг сўмда)		
		1	2	3
Ссудалар бўйича фоишлар ва воситачилик ҳақлари				
Қимматли қоғозларга қўйилмалардан олинган фоишлар				
Фоишлар кўринишидаги бошқа даромадлар				
Жами фоишли даромадлар				
Фоишли харажатлар				
Омонатлар бўйича фоишлар				
Қарзлар бўйича фоишлар				
Жами фоишли харажатлар				
Соф фоишли даромад				
Бошқа даромадлар				
Хизматлар учун ҳақ тўлаш ва воситачилик ҳақи				
Валюта айирбошлаш бўйича хизматлар				
Бошқалар				
Жами бошқа даромадлар				
Маъмурий харажатлар				
Катта бошқарувчи ходимлар учун товон пули жами				
Ходимлар учун товон пули жами				
Банкнинг асосий фондлари учун харажатлар жами				
Бошқалар				
Жами маъмурий харажатлар				
Операция даромадлари				
Кредитлар ва лизинг бўйича йўқотишларга доир захирага ажратмалар				
Даромад солиғи олингунча бўлган даромад				
Даромад солиқлари				
Соф даромад (зарар)				
Капитал ҳисоб рақамларини солиштириш				
Бошланғич капитал				
Соф даромад (зарар)				
Дивидендлардан ташқари				
Янги капитални киритиш				
Яқуний капитал				